

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАЕВ ИХТИЁР БАХТИЁРОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК  
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Джураев Ихтиёр Бахтиёрович**

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш.....3

**Джураев Ихтиёр Бахтиёрович**

Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законодательства в высших образовательных учреждениях.....33

**Djuraev Ikhtiyor Bakhtiyorovich**

Improving the prosecutorial control over the implementation of legislation in higher educational institutions.....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....69

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАЕВ ИХТИЁР БАХТИЁРОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК  
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**юримик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Yu105 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий консультант:**

**Пўлатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Астанов Истам Рустамович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Рахмонова Сурайё Махмудовна**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Хайриев Нодиржон Исроилович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристар малакасини ошириш  
маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 30 июль соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил 15 июль куни тарқатилди.  
(2021 йил 15 июлдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

**Д.Миразов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

**Ф.Сафаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

**Ф.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фан докторлик (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ривожланаётган давлатлар олдидан турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Transparency International коррупцияга қарши халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 12 та мустақил ташкилотнинг 13 турдаги манбаларидан фойдаланиб эълон қиладиган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” халқаро рейтингда олий таълим соҳаси билан боғлиқ давлатга қарашли секторда бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш индикатори ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган. Прокуратура органлари томонидан соҳада қонунийликни таъминлаш, коррупцияга қарши самарали курашишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизнинг мазкур халқаро рейтингдаги ўрни йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Хусусан, республикамиз 2018 йилда ушбу рейтингда 158-ўринда бўлган бўлса, 2020 йилда 12 поғонага кўтарилиб 146-ўринни эгаллади<sup>1</sup>. Демак, олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилиши, уларда бюрократия ва коррупция хавфи кўплиги, бунга чек қўйиш учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда олий таълим муассасалари фаолиятида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш, олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлашни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасалари фаолияти соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни ва ўзига хос жиҳатларини такомиллаштириш, олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасалари фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш, олий таълимда гендер тенглик, тенг таълим олиш имкониятини яратиш, олий таълимга қабул, ўқув жараёнлари ошқоралигига оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишга доир ўзига хос миллий тизим ва норматив-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилмоқда. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5019-сон Фармони билан «Таълим жараёни сифатини таъминлаш» прокуратура органларининг ҳам эътибор қаратиши лозим бўлган асосий вазифаларидан бири сифати

<sup>1</sup> <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>

белгиланди<sup>1</sup>. Давлатимиз раҳбари 2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳадаги устувор вазифалар қаторида профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.<sup>2</sup> Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда олий таълим соҳасида қўзғатилган жиноят ишлари сони 87 та бўлиб, улар бўйича шахслар сони 111 нафарни ташкил этган. Олий таълим соҳасида содир этилган барча турдаги коррупцион ва мансабдорлик жиноятлари натижасида 2020 йилда давлат бюджетига жами 2 067 158 минг сўм зарар етказилган. Кўришиб турибдики, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини тўлатқис таъминлаш мақсадида прокурор назоратининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмини ривожлантириш, олий таълим муассаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш ва уни тадқиқ этиш объектив зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги (2001), «Таълим тўғрисида»ги (2020) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2017), «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019), «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2019), «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2020) Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2017) буйруғи ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-5019-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда. <https://lex.uz/docs/3177796>

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4424>

## **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи<sup>1</sup>.**

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича илмий тадқиқотлар етакчи хорижий илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Хусусан, БМТ, ЕИ, ЕХХТ, МДХ, ШХТ доирасида олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этиш ва унинг ижроси устидан қулай ва самарали назорат шаклларини такомиллаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятининг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, олий таълимда гендер тенгликни таъминлаш ва тенг таълим олиш имкониятини яратиш, олий таълимга қабул, ўқув жараёнлари ошқоралигини таъминлаш тадқиқ этилган. Чунончи, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши (United Nations Economic and Social Council) томонидан Олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлаш истиқболлари (Prospects for ensuring the quality and competitiveness of education in higher education institutions), Таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш ва қонунчиликка риоя этилиши ахборот-коммуникация технологиялари (Ensuring the quality of education and compliance with the law in educational institutions Information and communication technologies), Олий таълим муассасаларини халқаро таълим ташкилотлари ва хорижий давлатлардаги таълим муассасалари ва тадқиқот марказларига интеграция қилиш (Integration of higher education institutions into international educational organizations and educational institutions and research centers in foreign countries), Глобаллашув ва меҳнат бозори (Globalization and labour market), Таълим сиёсати ва унинг даражасини баҳолаш (Education policy and evaluation of its level) каби масалалар илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, ёшлар ва гендер масалалари (Special issues of youth and gender) таълим жараёни тенденциялари ва истиқболлари кўпроқ тадқиқ этилмоқда.

Хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг хусусиятларини белгилаш борасида қуйидаги илмий натижалар олинган: олий таълимда гендер тенглигини таъминлаш (The Academy of European Law, German), таълим муассасаларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш (National School of Judiciary and Public Prosecution, Poland), прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари (National School for the Judiciary, France), олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорлик масалалари (Judicial Academy, German), олий таълим муассасалари ходимлари ва талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш (Legal Training and Research Institute, Japan), олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштириш (Judicial Policy Research Institute, Korea)га оид таклифлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

---

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи: <https://www.un.org/en>, <https://www.ejtn.eu/About-us/Members/ERA/>, <https://www.kssip.gov.pl/angielski>, <https://www.courts.go.jp>, <https://jpri.scourt.go.kr/post/postList.do> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига оид илмий тадқиқотларда муаммоларнинг айрим жиҳатлари, мавзуга алоқадор бўлган айрим масалалар Б.Ҳ.Пўлатов, Ф.Ҳ.Раҳимов, М.Ҳ.Рустамбаев, У.А.Тухташева, О.М.Мадалиев, Ғ.А.Абдумажидов, О.Т.Ҳусанов, Ш.Р.Қобилов, С.Н.Бердикулов, Х.Каримов, З.Амонов, А.Тоғаймуродов, Ҳ.Ҳакимовлар томонидан ўрганилган. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш ва битирувчилар рақобатбардошлигини таъминлашнинг айрим жиҳатларига Р.Ҳакимов, О.Қаҳҳаров, Б.Адизов, Ф.У.Назарова, Г.М.Қурбонова, З.Б.Усмонова, Ғ.Н.Пирназаров, Қ.Ибайдуллаев, Ф.Муҳиддинова, Э.Қодиров<sup>1</sup>ларнинг ишларида эътибор берилган.

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ҳамда прокуратура фаолиятининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга доир жиҳатлари хорижий олимлар – С.В.Никифоров, Н.Н.Макеев, А.Я.Минин, А.А.Жидких, Д.Ю.Паршунин, В.Д.Кошлевский, Д.А.Осипов, В.М.Большакова, Б.А.Черняк, О.В.Воронин, С.Б.Смольников, В.Ю.Шевченко, А.В.Урываев, А.И.Петровлар томонидан ўрганилган. Олий таълим муассасаларида таълим сифати, олий таълим муассасалари рейтинги ва уларни аттестациядан ўтказиш, талабалар таълим-тарбиясига оид масалаларга С.В.Деманова, М.Н.Кудилинский, Д.Г.Родионов, О.А.Кушнева, И.А.Рудская А.И.Герасимов, В.А.Мещеряков, А.Г.Михалев, В.В.Регада, А.Р.Кумпилова, С.В.Калашникова, С.С.Серегина, О.Д.Федотова, И.Е.Бибиқ, Л.В.Орлова, К.В.Астраханкина, О.В.Глебова<sup>2</sup> каби олимлар ўз муносабатларини билдирган.

Бироқ юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларида мавзунинг умумий жиҳатларига эътибор қаратилганлиги боис, олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратининг алоҳида институт сифатидаги ўрни, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорлик, ўқув-тарбия жараёнида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратининг аҳамияти, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг моҳияти, прокуратуранинг таълим сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлашдаги иштироки, таълим сифатини таъминлаш ва қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг роли, хорижий давлатларда таълим тўғрисидаги қонунчилик, унинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш механизмлари тадқиқ этилмаган.

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>2</sup> Ушбу олимлар асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, комплекс тадқиқот ишлари амалга оширилмаганлиги ушбу мавзунинг алоҳида тадқиқ этилиши лозимлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» илмий-амалий грант лойиҳасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини комплекс ўрганиш асосида мантқан изчил назарий хулосалар чиқариш ва асослаш, шунингдек, ушбу хулосалар асосида прокурор назоратининг ҳозирда мавжуд амалиёти ва қўлланиш самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг назарий асосларини таҳлил этиш;

олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг жорий этилиши ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлашда иштирок этиш – прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири сифатида тадқиқ этиш;

олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш ва қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг ролини таҳлил этиш;

олий таълим муассасалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ўрганиш;

олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўқув-тарбия жараёнидаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорликни ташкил этиш масалаларини тадқиқ этиш;

хорижий давлатларда таълим тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлаш ва назорат қилишга оид илғор тажрибаларни ўрганиш;

олий таълим муассасалари ходимлари ва талабалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати таъсирчанлигини ошириш истиқболларини тадқиқ этиш;

олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти** олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурорлик назоратини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий давлатларнинг таълим жараёни ва прокурор назоратига оид қонунчилик ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тизимлилик, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, анкета сўровлари, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаларини бошқариш бўйича махсус ваколатга эга бўлган давлат бошқаруви органлари томонидан ўқув дастурларини доимий такомиллаштириб бориш, шунингдек кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлиги асослантирилган;

онлайн мониторинг қилиш ва визуал кузатувлар ўтказиш, махсус ҳимояланган электрон маълумотлар базасидан бевосита фойдаланиш билан боғлиқ прокурор ваколатларини қонунчиликда акс эттириш лозимлиги асосланган;

прокуратура органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларида олий таълимни ислоҳ қилишга оид концепцияларнинг амалга оширилиши, олий таълим муассасаларини халқаро рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш, илғор хорижий ва замонавий педагогик инновациялар жорий этилиши, олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни белгилаш зарурлиги асослантирилган;

олий таълим тизимида амал қилаётган рейтинг тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, рейтинг (баҳолаш) дафтарчаси юритиш тизимини бекор қилиш, рейтинг баллари ва баҳоларини гуруҳ журналида қайд қилиш ўрнига талабаларга баҳоларини электрон хабардор қилиш тартибини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳужжатларини оптималлаштириш лозимлиги асосланган;

олий таълим муассасаларида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, билимларни баҳолашда адолат ва шаффофликни таъминлаш, ўқув юкларини оптималлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш натижасида олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнат самарадорлигини ошириш зарурлиги асослантирилган;

фуқароларга биринчи курс биринчи семестрда ўқишни қайта тиклаш ҳуқуқини бериш лозимлиги асосланган;

олий таълим муассасаларини баҳолаш мезонларидан бири сифатида бундай ташкилотларда коррупцияга қарши самарали курашиш тизимининг самарадорлиги, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун раҳбариятнинг очиклиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатларига жавоб беришнинг ҳолатини белгилаш зарурлиги асослангилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асосланган;

«қонун устуворлиги», «олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати», «олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш мақсади», «олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорлик», «олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш» каби тушунчалар прокурор назорати нуқтаи назаридан чуқур ўрганилиб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

содир этилиши мумкин бўлган қонунбузилиши ҳолатларини олдиндан аниқлаш чораларини кўриш, унинг содир этилишига йўл қўймаслик ҳақида мажбурий кўрсатма бериш ва бунинг учун аниқ чораларни кўришни талаб қилишни назарда тутадиган «Кўрсатма» номли прокурор назорати ҳужжатини амалиётда қўллашни йўлга қўйиш асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги «Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 166-сон буйруғи ҳамда олий таълимга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, шунингдек, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назорат прокурор назорати предмети ҳисобланмайдиган давлатларда олий таълим сифати ва унинг назоратига доир масалалар таҳлил қилиниб, тегишли хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шакллари асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 83 нафар прокуратура ходимлари ва 72 нафар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари орасида сўровномалар ўтказилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий натижалари олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ҳақидаги илмий қарашларни кенгайтиради, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси, мақсади ва моҳияти, прокуратуранинг ўқув-тарбиявий жараёнда иштироки, вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлиги каби муҳим назарий масалаларни ҳал қилишда аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, прокуратура фаолияти ва олий таълим соҳасига оид қонун нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқот ўтказишда, прокуратура фаолияти ва олий таълим соҳаси қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, прокуратура органлари, Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятида, шунингдек, «Конституциявий ҳуқуқ», «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар», «Прокурор назорати», «Криминология», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» фанлари модулларини ишлаб чиқиш ва юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга оид тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таълим муассасаларини бошқариш бўйича махсус ваколатга эга бўлган давлат бошқаруви органлари томонидан ўқув дастурларини доимий такомиллаштириб бориш, шунингдек кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-637-сон) 26-моддаси ўн биринчи хатбошисига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 2 декабрдаги 06-15/2068-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асл мақсади – олий таълим сифатини таъминлаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилган;

онлайн мониторинг қилиш ва визуал кузатувлар ўтказиш, махсус ҳимояланган электрон маълумотлар базасидан бевосита фойдаланиш билан боғлиқ прокурор ваколатларини қонунчиликда акс эттириш ҳақидаги таклифи «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини 2021–2023

йилларда ҳақиқий «халқ прокуратураси»га айлантириш концепцияси» лойиҳасининг «прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини янада кенг татбиқ этиш, шу жумладан «**Ягона мониторинг**», «**Прокурор назорати**» электрон ахборот тизимини жорий этиш»га оид нормаларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 25 мартдаги 27/2-24005/21-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш билан бир қаторда олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

прокуратура органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларида олий таълимни ислоҳ қилишга оид концепцияларнинг амалга оширилиши, олий таълим муассасаларини халқаро рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш, илғор хорижий ва замонавий педагогик инновациялар жорий этилиши, олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни белгилаш ҳақидаги таклифдан «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини 2021–2023 йилларда ҳақиқий «халқ прокуратураси»га айлантириш концепцияси» лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 25 мартдаги 27/2-24005/21-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш механизминини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

олий таълим тизимида амал қилаётган рейтинг тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, рейтинг (баҳолаш) дафтарчаси юритиш тизимини бекор қилиш, рейтинг баллари ва баҳоларини гуруҳ журналида қайд қилиш ўрнига талабаларга баҳоларини электрон хабардор қилиш тартибини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳужжатларини оптималлаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон Фармони ижроси бўйича ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2019 йил 30 августда тасдиқланган «Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 17-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 10.1/27-20-142-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши олий таълим муассасаларида ўқув жараёни ва иш юритиш ҳужжатларини электронлаштириш таълим жараёни самарадорлиги ҳамда олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратининг асосий вазифаларидан бири – ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, билимларни баҳолашда адолат ва шаффофликни таъминлаш, ўқув юкларини оптималлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш натижасида

олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5847-сон Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг 3-боб 8-параграфига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 89-03-2527-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги баҳолаш жараёнида визуал алоқани қисқартириш, олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратининг асл мақсади ҳисобланган талабалар билимини баҳолашда объективлик, шаффофлик ва адолатлилиқни таъминлаш, профессор-ўқитувчи фаолиятида меҳнат унумдорлигига эришишга хизмат қилган;

фуқароларга биринчи курс биринчи семестрда ўқишни қайта тиклаш ҳуқуқини бериш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 апрелдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 360-сон қарори билан Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-боби 9-банди бешинчи хатбошисига ўзгартириш киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 89-03-2527-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф талабаларнинг таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш ва кафолатлашга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларини баҳолаш мезонларидан бири сифатида бундай ташкилотларда коррупцияга қарши самарали курашиш тизимининг самарадорлиги, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун раҳбариятнинг очиклиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатларига жавоб беришнинг ҳолатини белгилаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019, 18-к/қ-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214) билан тасдиқланган Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари 7-боби 17-банди «а» кичик банди саккизинчи хатбошисига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат

инспекциясининг 2020 йил 8 июлдаги 02-1030-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар олий таълим муассасаларини турли хил ҳуқуқбузарликлардан, шу жумладан, коррупциядан холи, очик, объектив ва шаффоф аттестациядан ўтказишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 12 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 241 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг назарий асослари, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтининг жорий этилиши ва ҳуқуқий асослари таҳлили амалга оширилган.

Мазкур бобда олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институти бошқа прокурор назорати институтларидан фарқ қилиши, унинг асосини бошқа прокурор назорати институтларининг назорат предметиға алоқадор бўлмаган олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ташкил этиши асосланган.

Тадқиқотчининг қайд этишича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокуратура органларига юклатилган вазифалар ва уларга берилган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда таълим муассасалари, шу

жумладан, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институти жорий этилиб, прокуратура органларининг мазкур йўналишдаги назорат фаолияти бошланди.

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар таҳлили жараёнида олий таълим тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги бўйича олимларнинг қарашларини таҳлил қилган. Тадқиқотчи томонидан прокурор назорати борасида олимлар томонидан билдирилган мавжуд қарашлар прокурор назоратининг умумий жиҳатларини ёритишга хизмат қилади деган хулосага келинган ва прокурор назоратини такомиллаштириш учун «Ягона мониторинг», «Прокурор назорати» электрон ахборот тизимини жорий этишга қаратилган таклиф ва тавсиялари баён қилинган.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг алоҳида институт сифатида амалга оширилиши олий таълим соҳасида қонунбузилишларни аниқлаш, бартараф этиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, олий таълимга оид қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, фуқароларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари, мазкур йўналишда жамият ва давлат манфаатлари ҳимоясини кафолатлашга хизмат қилишини таъкидлаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: *«Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати – бу бошқа прокурор назорати предметларидан фарқ қилувчи, мустақил, олий таълим муассасалари томонидан олий таълимга оид қонунчилик ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ҳамда таълим сифатини таъминлашга хизмат қилувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолиятидир».*

Тадқиқотчи томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 56,3% иштирокчи олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш олий таълим тизимида сифатни таъминлашга хизмат қилишини, 68,8% иштирокчи олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш натижасида таълим фаолиятини такомиллаштириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга эришилишини, 76,8% иштирокчи олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, талабаларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш ҳамда уларни ўқитиш-тарбиялаш ишларида прокуратура органларининг иштироки зарурлигини қайд этган. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш зарурлиги, прокуратура органлари томонидан назорат фаолиятини амалга оширишда ўрганилаётган йўналиш ва соҳани тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги ҳамда тегишли ваколат ва вазифалар белгиланганлиги муҳим

аҳамият касб этиши диссертант томонидан асослантирилган. Шу билан бирга, диссертант таълим, шу жумладан олий таълим соҳасини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалиёт материаллари таҳлилини амалга оширган ҳамда ўзининг таҳлилий муносабатини билдирган.

Диссертант олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини тадқиқ этиш натижасида сўнгги йилларда олий таълим соҳасини ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишлар доирасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу борадаги қонунчилик ижроси йўналишида ҳам ўзгаришларни тақозо қилганлигини асослаган.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги 166-сон буйруғи 1-банди ўн учинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*«олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш, илмий педагогик фаолиятни такомиллаштиришга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш».*

Олий таълим соҳасини ислоҳ этишга оид чора-тадбирларни амалга оширишни белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, ислоҳотларни амалга оширишда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш қонун ҳужжатларидан кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айтилиши мумкин, олий таълим муассасасида қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда асосий эътиборни қонун ҳужжатларида олий таълим муассасасига қўйилган вазифалар ижросига қаратиш лозим.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги 166-сон буйруғи 7.1-банди еттинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*«олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, илгор хорижий ва замонавий педагогик инновациялар жорий этилиши, олий таълим муассасаларини халқаро рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш, олий таълимни ислоҳ қилишга оид концепцияларни амалга оширилишига».*

Тадқиқотчи томонидан олий таълим муассасаларида қонунлар ижроси устидан назорат қилиш механизми аниқ мақсадга қаратилган қуйидаги йўналишларни назарда тутиши мақсадга мувофиқлиги илгари сурилган:

олий таълимга оид ислоҳотлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларига мунтазам равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда олий таълим муассасаларига нисбатан бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноят ишларини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

давлат бошқаруви органларининг олий таълимни ташкил этишга оид вазифаларини ўрганиб бориш;

олий таълим муассасаларини визуал ўрганиб бориш, олий таълим муассасалари кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишдан мақсадга *«Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишдан мақсад – олий таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан олий таълим муассасасида таълим ва тарбиянинг тўғри ташкил этилганлигини таҳлил қилиш, мазкур йўналишларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, ватанпарвар, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими сифатини таъминлашга муносиб ҳисса қўйишдан иборатдир»* деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 40-моддасига кўра, прокурор қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонунбузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади. Одатда, ушбу назорат ҳужжати прокурор назорати мурожаатларни кўриб чиқиш ва қонунлар ижроси устидан назорат давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан киритилади.

Бу эса, бугунги кунда долзарб бўлган «ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан эмас, балки унга шароит яратиб бераётган омиллар билан курашиш» деган тамойилга мос келмайди. Шу сабабли, содир этилиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларини олдиндан аниқлаш чораларини кўриш, унинг содир этилишига йўл қўймаслик ҳақида мажбурий кўрсатма бериш ва бунинг учун аниқ чоралар кўришни талаб қилишни назарда тутадиган «Кўрсатма» номли прокурор назорати ҳужжатини амалиётда қўллашни йўлга қўйиш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунини қуйидаги мазмундаги 40<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади.

Диссертациянинг **«Олий таълим сифатини таъминлашда прокуратура органларининг иштироки»** деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлашда иштирок этиш – прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири эканлиги, олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш ва қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг роли таҳлил этилган.

Мазкур бобда, олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимининг яхши йўлга қўйилиши олий таълим муассасасининг фаолият йўналишлари сифати ва натижадорлигига таъсир этиши асослантирилган. Муаллифнинг фикрига кўра, олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назорати методологияси эса таълим соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар

ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, бартаф этиш, олдини олиш ҳамда бу орқали олий таълим сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлаш, ватанпарвар ва фидойи кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлиги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, таълим сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва эришилган ижобий натижаларда намоён бўлади.

Тадқиқотчи томонидан олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурати таҳлил этилган. Олий таълим тўғрисидаги қонунчилик ижросини электрон таҳлил қилиш, мазкур йўналиш бўйича прокурор назоратини рақамли индикаторлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш ҳамда электрон прокурор назорати механизмини жорий этиш таклиф этилади.

Олий таълим соҳасига оид қонунлар ижроси аҳволи таълим муассасаси эришган кўрсаткичлар натижасида аниқланади. Ўз ўзидан маълумки, юқори кўрсаткичларга эришган олий таълим муассасаларида қонунчиликда белгиланган вазифалар ижроси самарали таъминланган бўлади. Бунинг учун эса олий таълим муассасаларининг электрон платформаси ва умумреспублика миқёсидаги олий таълимга оид электрон маълумотларни ўрганишга тўғри келади. Бироқ, ушбу механизм «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланмаган. Шунингдек, қонунда белгиланмаган шаклда олинган маълумотлар ҳам асос (далил) ҳисобланмайди ёки қонунга асосланмаган талаб қонуний талаб сифатида эътироф этилмайди.

Шу боис, диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига қонунлар ижросини текшириш электрон (масофавий) ёки визуал кузатув шаклида ҳам ўтказилиши мумкинлиги, шунингдек, махсус ҳимояланган электрон маълумотлар базасидан бевосита фойдаланиш, онлайн мониторинг қилиш бўйича қоидалар киритиш таклиф этилади.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, дунё мамлакатларида ҳар бир соҳани рақамлаштириш устувор вазифа сифатида қаралаётган бир пайтда республикамизда прокуратуранинг қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятида ҳам рақамлаштириш, электрон шаклда онлайн (масофавий) ишни ташкил этиш орқали прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳужжатлар айланиши учун кетадиган вақт қисқартирилади, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигига салбий таъсирнинг олди олинади, қонунчиликка риоя этиш ҳолати онлайн (масофавий) ўрганилади, қонунбузилиш ҳолатларига онлайн (масофавий) муносабат билдириш имконияти яратилади ҳамда прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ахборот тизими жорий этилишига эришилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш**» деб номланиб, унда олий таълим муассасалари томонидан қонунларнинг ижро

этилиши устидан назорат қилиш – прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлиги, шунингдек, олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўқув-тарбия жараёнидаги аҳамияти, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорликни ташкил этиш масалалари ўрганилган.

Диссертант олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган айрим муаммолар ва тушунмовчиликлар, жумладан, стипендия тўлаш, юклама соатларни ҳисоблаш, талабалар ўқишини қайта тиклаш каби масалаларга тўхталиб ўтган ҳамда олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси нуқтаи назаридан ўзининг тегишли таҳлилий қарашлари ва муносабатини билдирган.

Тадқиқотчининг фикрича, олий таълим муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратура органлари томонидан қуйидаги талабларнинг инобатга олиниши назорат жараёнида турли муаммолар келиб чиқишининг олдини олишга, таълим сифатини таъминлашга ва мазкур органга бўлган фуқаролар ишончининг ортишига олиб келади:

биринчидан, ўрганиш жараёнида олий таълим муассасасининг тегишли фаолият йўналишларини тартибга солишга қаратилган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига асосий эътиборни қаратиш;

иккинчидан, олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганиш жараёнига мазкур ўқитиш тизимини тушунадиган тажрибали мутахассисларни кенг жалб қилиш лозим.

Диссертантнинг қайд этишича, олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланаётган кадрлар танлаган таълим йўналиши ва мутахассислигига оид билимларни эгаллаши билан бирга ушбу йўналишда фаолиятни амалга ошириш ва тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини билиши ҳамда ундан хабардор бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларига кадрлар тайёрланаётган ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда алоҳида соҳага оид бўлган ҳуқуқий фанларнинг киритилиши олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ва келгусида маълум бир соҳа ривожини учун хизмат қиладиган фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, юқори соҳавий ҳуқуқий савия ва компетенцияга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Тадқиқотчи олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш жараёнида олий таълим соҳаси билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар, шунингдек, олий таълим муассасалари ўртасида муҳим аҳамият касб этувчи, олий таълим сифати ва самарадорлигини

таъминлашга хизмат қилувчи тажрибаларни оммалаштириш имконияти пайдо бўлади, деб таъкидлайди ҳамда олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш тушунчасига таъриф бериб ўтади. Унга кўра, *«Олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш деганда, олий таълим муассасалари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганишга жалб этилган иштирокчилар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш, ишни тўғри ташкиллаштириш, мавжуд қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар бериш»* тушунилади.

Диссертант прокуратура органларининг олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларининг Давлат меҳнат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат молиявий назорати департаменти ва бошқа муассаса, идоралар билан ҳамкорлик алоқаларини таҳлил қилган ҳамда олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорлик тушунчасини таърифлашга ҳаракат қилган. Унга кўра, *«Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорлик деганда, прокуратура органлари томонидан тегишли вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг мутахассислари иштирокида олий таълим муассасаларининг ўқув, илмий, маънавий-тарбиявий, молиявий, кадрлар билан ишлаш ҳамда бошқа йўналишларда қонунчилик талабларига риоя этиш ҳолатини ўрганиш, шунингдек, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш чораларини кўриш»* тушунилишини қайд этган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, прокуратура органлари томонидан олий таълим муассасаси фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини ўрганиш жараёнида илгари олий таълим муассасасини текшириб кетган ва тегишли хулоса берган ваколатли вазирлик ва идораларнинг текширув натижалари ва хулосаларининг қонунийлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи таҳлиллари асосида *«олий таълим ташкилотида коррупциясиз таълим тизимини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг самарадорлиги, раҳбариятининг профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун очиқлиги, келиб тушаётган барча мурожаатларга жавоб беришнинг ҳолати»* тўғрисидаги қонидани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион

ривожланиш вазирлигининг қарори билан тасдиқланадиган Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари лойиҳасининг 7-боби 17-бандига киритиш бўйича таклифларини илгари суради.

Диссертант олий таълим муассасаларида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишлари янги ёндашув асосида «*Хавфсиз таълим муассасаси*» тамойилига асосланган ҳолда ташкил этилиши лозимлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга доир қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотчи хорижий давлатларда таълим тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлаш ва назорат қилишга оид илғор тажрибаларни, олий таълим муассасалари ходимлари ва талабалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъсирчанлигини ошириш истиқболларини, шунингдек, олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш масалаларини таҳлил қилган, ўз қарашларини баён этиб, тегишли таклиф ва тавсияларни илгари сурган.

Ушбу бобда, Италия, Испания, Франция, Португалия, Арманистон, Швеция, Қозоғистон, Афғонистон, Греция, Куба, Швейцария, Вьетнам давлатлари конституцияларида белгиланган таълим олишга бўлган ҳуқуқлар, берилган имтиёзлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, муассасаларда, шу жумладан, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назорат прокурор назорати предмети ҳисобланадиган хорижий давлатлар (Россия Федерацияси, Белоруссия, Тожикистон, Туркманистон), шунингдек, мазкур соҳа бўйича назорат прокурор назорати предметига кирмайдиган хорижий давлатлар (Дания, Германия, Франция, Испания, Италия) қонунчилиги ўрганилган. Тадқиқотчи Европа мамлакатларининг прокуратура органлари таълим тизимида фақат қонунбузилиш ҳолатларидагина аралашишини таъкидлаган.

Бугунги кунда Европа ҳамжамияти давлатларида прокурорларнинг ягона ташкилот ва фаолият модели мавжуд эмаслиги асосланган. Хусусан, таълимга оид қонунчилик ижросини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўрнига махсус ваколатли органлар томонидан амалга оширилиши қайд этилган (жумладан, Буюк Британияда Quality Assurance Agency (Сифатни кафолатлаш бўйича давлат агентлиги), таълим муассасаси ва таълим дастурларини тасдиқлаш (ратификация қилиш) мақсадида The Open University Validation Services (OUVS), Финляндияда Таълим соҳасида сифат ва назорат кўмитаси, Японияда Ихтисослашган кўмиталар). Бундан ташқари, THE (Times Higher Education), QS (Quacquarelli Symonds), BGU (Ben-Gurion University), U-Multi rank рейтинг баҳолаш тизими ва индикаторлари таҳлил этилган. Тадқиқотчи таъкидлашicha, хорижий мамлакатларда олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг алоҳида тури ва шакли мавжудлиги кўринмайди. Хорижий олий таълим

муассасаларида прокурор назорати жиной таъкиб ёки коррупцияга оид ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари тадқиқотчи олимларининг таълим тизими, олий таълим соҳасининг халқаро таълим майдонига фаол интеграцияси, давлатнинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлашда олий таълим сифати ва самарадорлигининг таъсири, сифатли олий таълим фаолиятини йўлга қўйишда олий таълим соҳасига оид қонунчилик ижросини назорат қилишнинг аҳамияти тўғрисидаги қарашлари, фикрлари ҳамда тавсиялари ўрганилган.

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасида хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, сифатли таълим беришни ташкил этиш, таълимни амалга ошириш методикаси, таълимни амалга оширишнинг методик, моддий ва норматив таъминоти бевосита олий таълим муассасаси зиммасида бўлиб, самарадорликни баҳолаш махсус ваколатли органлар, халқаро таълим ташкилотлари ва хусусий баҳолаш агентликлари томонидан амалга оширилади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич молиявий ва академик мустақилликка эришиб бориши, шунингдек, хусусий ёки давлат-хусусий шерикликдаги олий таълим муассасалари сони ортиб бориши келгусида олий таълим муассасалари давлат муассасасидан нодавлат тижоратчи ташкилотга айланиши, пировард натижада махсус ваколатли орган назорати остидан чиқиб кетишига олиб келса-да, қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ва коррупцияга қарши курашиш прокурор назорати доирасида қолади.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасида илғор халқаро тажриба ва амалиёт ўрганилиши, бу борада халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилиши олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса олий таълим соҳасида рақобатбардош, ватанпарвар, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган янги авлод кадрларни тарбиялашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, мазкур бобда олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати аниқланган хато – камчилик учун жавобгарликка эмас, балки таълим муассасасида ўқитиш сифатини халқаро даражага олиб чиқишга хизмат қилиши лозимлиги асосланган.

Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини тадқиқ қилиш жараёнида фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқларини амалга ошириш, олий таълим муассасасини аккредитация ва аттестациядан ўтказиш, рейтингини аниқлаш, олий таълим муассасасида коррупцияни олдини олиш ва турли хил ҳуқуқбузарликларга қарши

курашиш, таълим жараёнини объектив, шаффоф, адолатли ташкил этиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни лойиҳасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон Фармонининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни ташкиллаштириш ва «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасига, Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасига, Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасига киритиш учун таклифлар билдирилган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Миллий университети, Нукус давлат педагогика институти, Бухоро давлат университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ходимлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар, Жиззах политехника институтида вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширув натижалари ўрганилган.

Диссертант ҳар қандай соҳада педагог кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида мутахассислик фанлари билан бирга мутахассислигига тааллуқли ҳуқуқий фанларнинг ўтилиши, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича прокуратура органлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юқори, ҳалол ва виждонли педагог кадрлар тайёрлашга муносиб хизмат қилишини асослаган.

Тадқиқотчи олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати таҳлилини амалга ошириш жараёнида масофавий таълимнинг ҳуқуқий мазмунини таҳлил қилиб, олий таълим муассасаси ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитиш шаклидан қатъи назар талаба учун қулай, унинг ўз устида мустақил ишлаши, мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантиришига хизмат қилиши кераклиги ҳақида хулосага келган.

Диссертант прокуратура органлари томонидан олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида иш берувчиларнинг таълим фаолиятидаги иштироки, уларнинг таълим сифатини таъминлаш бўйича кўрсатмалар бериб бориши, амалиёт муаммолари, хорижий тажриба ва келгуси истиқбол режалардан келиб чиққан ҳолда фанлар, мавзулар ва бошқа шу каби масалалар бўйича асосий буюртмачи сифатида ўрнининг таҳлил қилиб борилиши ҳамда бу борада юқори турувчи ваколатли Ҳукумат идорасига таклифлар киритиб бориши лозим, деб ҳисоблайди. Шунингдек, меҳнат бозорини сифатли кадрлар билан таъминлаш фақат олий таълим муассасасининг вазифаси сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб ўтади.

## ХУЛОСА

«Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

### **I. Назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:**

**1.** Қонун устуворлиги тушунчасига таъриф берилди. Ушбу таърифга асосан *қонун устуворлиги* деганда – ҳар қандай фаолият қонунга асосланиши, қонунларнинг барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги, қонунларга амал қилган ҳолда унинг ижроси таъминланиши ҳамда бажарилиши назорат қилиниши тушунилади.

**2.** Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчасига таъриф берилди. Мазкур таърифга асосан *олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати* деганда, бошқа прокурор назорати предметларидан фарқ қилувчи, мустақил, олий таълим муассасалари томонидан олий таълимга оид қонунчилик ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ҳамда таълим сифатини таъминлашга хизмат қилувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади.

**3.** Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг мақсади ёритилди. Унга кўра, *олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишдан мақсад* – олий таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан олий таълим муассасасида таълим ва тарбиянинг тўғри ташкил этилганлигини таҳлил қилиш, мазкур йўналишларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, ватанпарвар, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими сифатини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

**4.** Олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш тушунчасига муаллифлик таърифи берилди. Унга кўра, *олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш* деганда, олий таълим муассасалари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганишга жалб этилган иштирокчилар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш, ишни тўғри ташкиллаштириш, мавжуд қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар бериш тушунилади.

**5.** Олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорлик тушунчасига муаллифлик

таърифи берилди. Унга кўра, *Олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишда ҳамкорлик* деганда, прокуратура органлари томонидан тегишли вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг мутахассислари иштирокида олий таълим муассасаларининг ўқув, илмий, маънавий-тарбиявий, молиявий, кадрлар билан ишлаш ҳамда бошқа йўналишларда қонунчилик талабларига риоя этиш ҳолатини ўрганиш, шунингдек, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш чораларини кўриш тушунилади.

## **II. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

**6.** Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунини қуйидаги мазмундаги 40<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

### **«40<sup>1</sup>-модда. Кўрсатма.**

*Прокурор қонунбузилиши, унинг келиб чиқиши ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитлар юзага келишини олдини олиш тўғрисидаги кўрсатмани қонунбузилиши эҳтимоли юзага келган органга ёки мансабдор шахсга киритади.*

*Кўрсатма дарҳол кўриб чиқилиши ва қонунбузилишини олдини олиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида ўн кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда ёки электрон шаклда маълум қилиниши лозим.*

*Кўрсатма коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишига ҳақлидир».*

**7.** Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасини қуйидаги мазмунда иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

*«Қонунлар ижросини текшириш электрон (масофавий) ёки визуал кузатув шаклида ҳам ўтказилиши мумкин».*

**8.** Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

1-банди: «вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, *махсус ҳимояланган электрон маълумотлар базасидан бевосита фойдаланишга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, онлайн мониторинг қилиш ва визуал кузатувлар ўтказишга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга»;*

2-банди: «давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини *онлайн мониторинг қилиш ва визуал кузатувлар ўтказиш, текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга».*

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ягона ахборот тизимини яратиш ҳар бир соҳанинг, шу жумладан, олий таълим соҳасининг қонунчилик ижросига оид маълумотларини электрон шаклда йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

**9.** Олий таълим муассасасининг рейтингини аниқлашга оид тўғри ва хатоларсиз маълумот ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаш, таҳлил қилиш ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдим этиш мақсадида «Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низом лойиҳасининг 3-боб (Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш) 8-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*«Вазирликлар ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари томонидан рейтингни аниқлашга оид маълумотлар асословчи ҳужжатлари билан биргаликда 1 февралга қадар Давлат инспекциясига тақдим этилади. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Давлат инспекциясига электрон шаклда ҳам тақдим этилиши мумкин».*

**10.** Олий таълим муассасаларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги тадбирларни ўтказиш ва бу иллатга қарши муросасиз курашишга эътиборни кучайтириш мақсадида, Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари лойиҳаси 7-боби 17-банди «а» кичик бандини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

*«олий таълим ташкилотида коррупциясиз таълим тизимини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг самарадорлиги, раҳбариятининг профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун очиқлиги, келиб тушаётган барча мурожаатларга жавоб беришнинг ҳолати».*

**11.** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасининг янги таҳрири 26-моддасини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

*«таълим ташкилотларида кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларини такомиллаштиради».*

**12.** Таълим жараёни тўлиқ давлат гранти асосида ташкил этилган олий таълим муассасаларида талабалар сафидан четлаштириш ва курсдан қолдириш жараёни билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандини қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

*«Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ва академик қарздорлиги сабабли курсдан қолдирилган ҳамда талабалар сафидан четлаштирилган талабалар ўқиши (давлат гранти асосида таълим олувчилар сони (қабул квоталари) доирасида бўш ўринлар мавжуд*

*бўлмаганда) тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Бундай ҳолатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларга юклатилган мажбуриятлар сақланиб қолади».*

**13.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро нормаларга мувофиқ белгиланган инсонпарварлик ва ижтимоий адолат принципларига таянган ҳолда биринчи курс биринчи семестридан талабалар сафидан четлаштирилган талабаларга ўқишини қайта тиклаш имкониятини яратиш ва белгиланган чекловни олиб ташлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди бешинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

*«биринчи курснинг биринчи семестрига биринчи семестр тугалланмаган ҳолатда ўқишни кўчиришга;».*

**14.** Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасининг 3-бобига қуйидаги қоидаларнинг киритилиши таклиф этилади:

*«Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга ўз хоҳишларига кўра, контракт қийматини стипендияли ёки стипендиясиз шаклда тўлаш ҳуқуқи берилади».*

**15.** Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси 12-банди учинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*«талабаларнинг мутахассислик фанларига оид билим даражасини аниқлаш мақсадида назорат ишлари (тест синовлари) ва олий таълим муассасаларида таълим сифатини ўрганиш юзасидан сўровнома ўтказилади. Назорат ишлари ва сўровномаларни ўтказиш шакли олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда белгиланади».*

**16.** Коррупцияга қарши кураш нафақат таълим соҳасида, балки жамият ривожланиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасига коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмлари сифатида қуйидаги қоидаларнинг киритилиши таклиф этилади:

*«профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминлаш;*

*профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини оптималлаштириш, касбий фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида олий таълим тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш».*

**17.** Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасида олий таълим билан қамровни

кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича қуйидаги тадбирларни ҳам амалга ошириш таклиф этилади:

*«талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва холисоналигини таъминлаш, жумладан, баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шаклларини ривожлантириб бориш;*

*фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;*

*ўқув режаларида фанлар сонини номутахассислик фанлари ҳисобига босқичма-босқич камайтириш».*

**18.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон Фармонининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни ташкиллаштириш ва «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган «Йўл харитаси»да таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ:

*«талабалар билимини баҳолашда оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳоланган талаба якуний назорат турига киритилмаслиги талабани бекор қилиш ва оралиқ ҳамда якуний назорат турларининг ҳар бирига алоҳида академик қарздорлик белгилаш;*

*академик қарздорликни бартараф этмаган талабалар ўқув фанлари бўйича келгуси семестрнинг якуний назорат даври бошлангунга қадар тегишли фанлар бўйича академик қарздорликни қайта топшириш шарти билан кейинги курс (семестр)га ўтказиш (ушбу ҳолида бакалавриат ва магистратура босқичида назарий ўқишнинг охириги семестрида ўтиладиган ўқув фанларига татбиқ этилмайди);*

*фанни белгиланган муддатда ўзлаштирмаган ва академик қарздорликни бартараф этмаган талабани ректор буйруғи билан қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдириш, бу ҳолатда бошқа фанлар бўйича тўпланган баҳоларини сақлаш;*

*олий таълим муассасаларида мавжуд рейтинг (баҳолаш) дафтарчаси юритиш тизимини бекор қилиш;*

*гуруҳ журналига рейтинг баллари ва баҳоларни киритиш тизимини бекор қилиш, талабаларнинг баҳоларини электрон хабардор қилиш тартибини жорий этиш, шунингдек, ўқитувчилар томонидан юритилмайдиган бошқа иш ҳужжатларини оптималлаштириш».*

**III. Прокуратура амалиёти ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар:**

**19.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги 166-сон буйруғи 1-банди ўн учинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*«олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш, илмий педагогик фаолиятни такомиллаштиришга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш».*

**20.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги 166-сон буйруғи 7.1-банди еттинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, илғор хорижий ва замонавий педагогик инновациялар жорий этилиши, олий таълим муассасаларини халқаро рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш, олий таълимни ислоҳ қилишга оид концепцияларнинг амалга оширилишига».

**21.** Олий таълим муассасаларида қонунлар ижроси устидан назорат қилиш механизми аниқ мақсадга қаратилган қуйидаги йўналишларни назарда тутиши мақсадга мувофиқ:

олий таълимга оид ислохотлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларига мунтазам равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда олий таълим муассасаларига нисбатан бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноят ишларини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

давлат бошқаруви органларининг олий таълимни ташкил этишга оид вазибаларини ўрганиб бориш;

олий таълим муассасаларини визуал ўрганиб бориш, олий таълим муассасалари кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш.

**22.** Ахборот коммуникация технологияларини олий таълим муассасалари фаолиятига кенг жорий қилиш орқали ҳужжатлар билан ишлаш, жумладан, статистик ҳисоботларни юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китобларини амалга ошириш, ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатиш, ўқув ва бошқа йўналишлар бўйича электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, маълумот ва материаллар билан ишлашни тўлиқ автоматлаштириш таълим сифатини назорат қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қонунчилик ижросини таъминлаш жараёнида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини камайтиришни таъминлайди.

**23.** Олий таълим тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш қонунчилик самарадорлигини электрон таҳлил қилиш, прокурор назоратини рақамли индикаторлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, олий таълим соҳасида прокурор назорат йўналишлари рақамли маълумотлар базасига интеграция қилиш ҳамда электрон прокурор назорати механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари фаолиятида ахборот коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши ва автоматлаштирилган электрон тизимнинг йўлга қўйилиши прокуратура органлари томонидан олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилишини ўрганиш жараёнида автоматлаштирилган электрон тизим маълумотлари асосида ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиш мумкин бўлади. Бу эса, олий таълим муассасаси фаолиятида ва бу йўналиш бўйича прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида ортиқча қоғозбозликларнинг олдини олишга, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

**24.** Олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида эътибор берилиши лозим бўлган масалалар ёритилди. Олий таълим муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратура органлари томонидан *қуйидаги талабларни инобатга олиниши* ўрганиш жараёнида турли хил муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олишга, таълим сифатини таъминлашга ва мазкур органга бўлган фуқаролар ишончининг ортишига олиб келади.

а) ўрганиш жараёнида олий таълим муассасасининг тегишли фаолият йўналишларини тартибга солишга қаратилган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига асосий эътиборни қаратиш;

б) олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганиш жараёнига мазкур ўқитиш тизимини тушунадиган тажрибали мутахассисларни кенг жалб қилиш лозим.

**25.** Олий таълим муассасаларида ёшлар ўртасида ўтказиладиган профилактика тадбирларининг самарадорлигига эришиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш бугунги кунда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири саналади. Шу боис, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш тизимини янада такомиллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади:

а) таълим олувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашишини назорат қилиш, улар томонидан совуқ қуроолларни олиб юриш, тамаки, алкоголь маҳсулоти ва кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган бошқа моддаларни истеъмол қилиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, чет тилларини ўрганиш, спорт, ижодий ва бошқа ижтимоий фойдали тўғарақларга таълим олувчиларни жалб этиш ва касбий йўналтириш ишларини жадаллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишларига таълим олувчиларнинг кўнгилли асосда кўмаклашишини ташкил этишнинг самарали механизмларини назарда тутадиган *«хавфсиз таълим муассасаси»* тамойили асосида ишни ташкил этиш;

б) ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишларини ташкил этишда кўнгилли асосда кўмаклашиш бўйича таълим олувчиларнинг ташаббускор ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш, «таълим муассасаси – оила – маҳалла» ҳамкорлик тизими асосида таълим олувчиларнинг ғайриижтимоий ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил хулқ-атворини бартараф этиш чораларини кўриш;

в) *олий таълим муассасаларида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини тизимли равишда ташкил этиш*, бу борада ихтисослашган штат бирликларини жорий қилиш ва ички ишлар органлари билан яқин ҳамкорликда фаолиятни ташкил этиш. Шунингдек, «Ёшлар билан ишлаш фаолияти» мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

г) мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кодекси* лойиҳасини ишлаб чиқиш.

**26.** Олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фаолиятида қонунни устувор биладиган ва унга итоаткор, фидойи, ҳалол, билимли ва ҳуқуқий маданияти юқори кадрлар тайёрлаш ишларида ижобий самара беради:

олий таълим муассасалари таълим олувчилари ва ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган комплекс профилактик тушунтириш тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатларини прокуратура ходимлари иштирокида мунтазам ўтказиб бориш;

олий таълим муассасалари таълим олувчилари ва ходимларининг ҳуқуқий билими, саводхонлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган кўрик-танловлар ўтказиш;

олий таълим муассасалари таълим олувчилари ва ходимлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг салбий оқибатлари бўйича видео лавҳалар, қисқа метражли ва ҳужжатли фильмлар, телелойиҳалар, аудиоматериаллар тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ҳамда телевидение, радио, ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчилик (шу жумладан, олий таълим муассасалари талабалари ва ходимлари) эътиборига етказиш.

**27.** Прокуратура органлари томонидан олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан текшириш ўтказиш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли вазирлик ва идораларнинг текширув хулосалари ҳам ўрганилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса, олий таълим муассасаси фаолиятини текшириб нотўғри хулоса берган вазирлик ва идоранинг қарорини тегишли тартибда бекор қилиш, бу каби қонунбузилишларнинг олдини олиш, шунингдек, олий таълим муассасасининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва таълим сифатини таъминлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 31/31.12.2020.Уч.67.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ ГЕНЕРАЛЬНОЙ  
ПРОКУРАТУРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ДЖУРАЕВ ИХТИЁР БАХТИЁРОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА  
ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ВЫСШИХ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ**

12.00.07 – Судебная власть. Прокурорский надзор.  
Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.DSc/Yu105.**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Пулатов Бахтиёр Халилович**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Астанов Истам Рустамович**  
доктор юридических наук, профессор

**Рахмонова Сурайё Махмудовна**  
доктор юридических наук, доцент

**Хайриев Нодиржон Исроилович**  
доктор юридических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Центр повышения квалификации юристов  
при Министерстве юстиции Республики  
Узбекистан**

Защита диссертации состоится 30 июля 2021 года в 10.00 на заседании Научного совета DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 при Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан (Адрес: 100047, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Шахрисабз, 42, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан (зарегистрировано за № 7). (Адрес: 100047, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Шахрисабз, 42, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Автореферат диссертации разослан «15» июля 2021 года.  
(протокол реестра № 7 от «15» июля 2021 года).

**Д.Миразов**

Заместитель председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

**Ф.Х.Сафаев**

Научный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук

**Ф.Х.Рахимов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире повышение качества и эффективности высшего образования является одной из самых актуальных задач, стоящих перед развивающимися странами. Международная антикоррупционная негосударственная организация Transparency International в международном рейтинге «Индекса восприятия коррупции», используя 13 видов источников из 12 независимых организаций, выделяется показатель нецелевого использования бюджетных средств государственного сектора в сфере высшего образования. В результате мер, предпринятых прокуратурой по обеспечению верховенства закона, эффективной борьбы с коррупцией в указанной сфере, положение страны в этом международном рейтинге с каждым годом улучшается. В частности, если в 2018 году наша республика заняла 158 место, то в 2020 году этот рейтинг повысился на 12 пунктов и заняла 146 место<sup>1</sup>. Так, наделение высших образовательных учреждений полномочиями принимать независимые решения по академическому и организационному управлению, высокий риск бюрократии и коррупции, а чтобы предотвратить указанное явление необходимо полностью оцифровать организацию и управление образовательным процессом, что требует дальнейшего совершенствования прокурорского надзора за выполнением законодательства в сфере высшего образования.

В мире особое внимание уделяется вопросам организации прокурорского надзора за исполнением законодательства в деятельности высших образовательных учреждений, совершенствования прокурорского надзора за соблюдением законодательства в образовательном процессе высших образовательных учреждений, исследования для обеспечения качества и конкурентоспособности образования в высших образовательных учреждениях. В частности, проводятся научные исследования по образовательных учреждений опросам совершенствования содержания и специфики прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере высшего образования, повышение качества и эффективности высшего образования, устранение и предотвращение нарушений в сфере высшего образования, гендерного равенства в высшем образовании, равного доступа к образованию, поступления в высшие образовательные учреждения, прозрачности образовательных процессов.

В нашей республике создана уникальная национальная система и нормативно-правовая база для прокурорского надзора за соблюдением закона, и большое значение придается его гармонизации с международными стандартами. На уровне государственной политики внимание уделяется вопросу прокурорского надзора за исполнением законодательства в высших образовательных учреждениях. Указом Президента Республики Узбекистан от 18 апреля 2017 года «Обеспечение качества образовательного процесса»

---

<sup>1</sup> <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>

определено как одна из важнейших задач органов прокуратуры<sup>1</sup>. На видеоселекторном совещании, посвященном приоритетным задачам по совершенствованию системы высшего образования 16 июня 2021 года, глава нашего государства подчеркнул необходимость сокращения бумажной работы преподавателей и студентов, резко сократить бюрократию и коррупцию за счет цифровизации сферы.<sup>2</sup> По статистике, в 2020 году количество уголовных дел в сфере высшего образования составило 87, а количество лиц по ним – 111. В результате коррупции и должностных преступлений всех видов, совершенных в сфере высшего образования в 2020 году, государственный бюджет пострадал на сумму 2 067 158 тыс. сумов. Очевидно, что существует объективная необходимость полного обеспечения реализации поставленных в законодательстве задач путем развития механизма правового регулирования прокурорского надзора, совершенствования и исследования прокурорского надзора за соблюдением законов в высших образовательных учреждениях.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан «О прокуратуре» (2001), «Об образовании» (2020), Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (2017), «Об усилении роли органов прокуратуры в реализации социально-экономических реформ и модернизации страны, обеспечении надежной защиты прав и свобод человека» (2017), «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» (2019), «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» (2019), «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года» (2020), Приказе Генерального прокурора Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании прокурорского надзора за исполнением социального и экономического законодательства» (2017) и иных актах законодательства в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства и способы их реализации».

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Об усилении роли органов прокуратуры в реализации социально-экономических реформ и модернизации страны, обеспечении надежной защиты прав и свобод человека» №УП-5019 от 18 апреля 2017 года // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 17, ст. 285.

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4424>

## **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.**

Научные исследования по вопросам прокурорского контроля за исполнением законодательства в высших образовательных учреждениях проводятся ведущими зарубежными исследовательскими центрами и международными организациями. В частности, в рамках ООН, ЕС, ОБСЕ, СНГ, ШОС проводились исследования по совершенствованию удобных и эффективных форм надзора за исполнением законодательства в высших образовательных учреждениях, по обеспечению свободы и независимости высших образовательных учреждений, по обеспечению гендерного равенства и равного доступа к образованию, поступлению в высшие образовательные учреждения, обеспечению прозрачности образовательных процессов.

В частности, Экономическим и Социальным Советом ООН (United Nations Economic and Social Council) научно-методологически исследуются вопросы по перспективам обеспечения качества и конкурентоспособности образования в высших образовательных учреждениях (Prospects for ensuring the quality and competitiveness of education in higher education institutions), Информационные и коммуникационные технологии по обеспечению качества образования и соблюдения законодательства в образовательных учреждениях (Ensuring the quality of education and compliance with the law in educational institutions Information and communication technologies), интеграции высших образовательных учреждений в международные образовательные организации и образовательные учреждения и исследовательские центры зарубежных стран (Integration of higher education institutions into international educational organizations and educational institutions and research centers in foreign countries), глобализации и рынку труда (Globalization and labour market), образовательной политики и оценке ее уровня (Education policy and evaluation of its level). В частности, все больше изучаются тенденции и перспективы образовательного процесса по вопросам молодежи и гендера (Special issues of youth and gender).

Получены следующие научные результаты по определению характеристик прокурорского надзора за исполнением законодательства в высших образовательных учреждениях зарубежных стран: были разработаны и внедрены в практику предложения по обеспечению гендерного равенства в высшем образовании (The Academy of European Law, German), организации прокурорского надзора по исполнению законодательства в образовательных учреждениях (National School of Judiciary and Public Prosecution, Poland), основным направлениям деятельности органов прокуратуры (National School for the Judiciary, France), сотрудничеству реализации прокурорского надзора за исполнением законодательства в высших образовательных учреждениях (Judicial Academy, German), профилактике правонарушений среди сотрудников и студентов (Legal Training and Research Institute, Japan), совершенствованию прокурорского надзора за соблюдением

---

<sup>1</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <https://www.un.org/en>, <https://www.ejtn.eu/About-us/Members/ERA/>, <https://www.kssip.gov.pl/angielski>, <https://www.courts.go.jp>, <https://jpri.scourt.go.kr/post/postList.do> и на основании других источников.

законодательства в учебно-воспитательном процессе высших образовательных учреждений (Judicial Policy Research Institute, Korea).

